

Бухоро вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси



Бошлиқ в.в.б Абдуллоев Шахрилло Муродиллович
Қабул кунлари: Чоршанба - Шанба, 9⁰⁰ - 12⁰⁰

[Бухоро шаҳар 260100, Моҳиҳоса МФЙ.,
Ғиждувон кўчаси, 272-уй](#)

(0 365) 228-59-43

(0 365) 228-50-03

buxoro@uzavtoyul.uz

<https://buxavtoyul.uz>

Бухоро вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бошқармасининг функционал вазифалари

вилоят ҳудудида автомобиль йўллари соҳасида Муассиснинг ягона техник сиёсатини олиб бориш;

вилоят автомобиль йўлларини ривожлантириш давлат дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Муассисга киритиш ҳамда тасдиқланган давлат дастурларини амалга ошириш;

вилоят автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истикболларини белгилаш юзасидан Муассисга таклифлар киритиш;

вилоят ҳудудидан утадиган автомобиль йўлларининг халқаро транзит йўлакларини шакллантириш ва ривожлантириш буйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Муассисга киритиш;

замонавий транспорт оқими шароитларида автомобиль йўлларида фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, автомобиль йўлларида фойдаланиш масалаларини комплекс ҳал этилишини таъминлаш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, жорий таъмирлаш, табиий офат оқибатларини олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда жихозлаш (техника, машина-механизмлар, технологик ускуналарни харид қилиш) ишлари буйича буюртмачилик вазифасини амалга ошириш ҳамда сифати устидан назоратни олиб бориш; .

хўжаликларро қишлоқ автомобиль йўлларининг, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кучаларини лойихалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини мувофиқлаштириш;

илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, автомобиль йўлларини лойихалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасида инновацион технологиялар ва замонавий стандартларни жорий этиш;

автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, ўқув-амалиёт курслари ва семинарлар ташкил этиш.

[низомни юклаб олиш \(pdf, 137 kb\)](#)